O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG‘ONA VILOYATI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

2015 yil "31" январь № 48 Farg‘ona shahri

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 26 январдаги “Саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг барқарор фаолиятини ва уларнинг қувватларидан юқори даражада фойдаланишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 11-сонли қарори ижросини таъминлаш хақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 26 январдаги “Саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг барқарор фаолиятини ва уларнинг қувватларидан юқори даражада фойдаланишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 11-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 26 январдаги “Саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг барқарор фаолиятини ва уларнинг қувватларидан юқори даражада фойдаланишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 11-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Республика Ҳукуматининг мазкур қарори билан:

2.1. 2015 йилдан бошлаб мулкчилик шаклларидан қатъий назар, микрофирмалардан ташқари саноат ва қурилиш соҳасидаги барча корхоналар бўйича улар фаолиятининг асосий ишлаб чиқариш ва молиявий параметрларини акс эттирувчи корхоналар паспортларини (кейинги ўринларда корхона паспорти деб аталади) 1 ва 2-иловаларга мувофиқ намунавий шаклларга биноан ҳар йили расмийлаштириш тартиби жорий этилганлиги;

1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

корхоналар фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг паспортини тўлдириш методологиясини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлатиши;

саноат ва қурилиш соҳасидаги корхоналарга паспортларининг намунавий шаклларини ва уларни тўлдириш методологиясини стказилиши.

2.3. Давлат ва хўжалик бошкаруви органлари, шунингдек уларнинг таркиби кирмайдиган корхоналар:

2014 йилги маълумотлар киритилган паспортларнинг 2015 йил 1 апрелгача бўлган муддатда расмийлаштирилишини хамда Интернет тармоғи орқали, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг дастурий-технологик воситаларидан фойдаланган ҳолда статистика органларига тақдим этилишини, шунингдек ўзларининг мавжуд рамий веб-сайтларида уларнинг жойлаштирилишини таъминлашлари;

келгусида янгидан ташкил этилган корхоналар бўйича паспорт расмийлаштирилишини хамда ишлаб турган корхоналар бўйича паспортларнинг асосий параметрлари янгиланишини, уларнинг давлат статистика органларига тақдим этилишини ва кейинчалик расмий веб-сайтларда жойлаштирилишини ҳар йили 1 апрелгача таъминлаш.

2.4. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда корхоналар раҳбарлари зиммасига:

корхоналар паспортларининг ўз вақтида расмийлаштирилиши, улардаги маълумотларнинг тўликлиги ва ишончлилиги;

корхоналарнинг паспортларида белгиланган ишлаб чиқариш тавсифномаларига мувофиқ қувватлардан юқори даражада фойдаланилишини ва корхоналарниш барқарор молиявий-хўжалик фаолиятини таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юкланган.

2.5. Қуйидаги тартиб белгилансин, унга кўра:

давлат статистика органлари амалдаги статистика ҳисоботи шакллари доирасида корхоналар паспортларидаги асосий параметрларнинг динамикаси тўғрисидаги даврий маълумотларни шакллантирадилар, кейинчалик таҳлилий ишларни амалга ошириш учун уларни 3-иловага мувофиқ схема бўйича ваколатли давлат органларига тақдим этишлари;

3-илова рус тилидаги матнда берилган.

корхоналар паспортлари бўйича даврий статистика маълумотлари асосида Вазирлар Маҳкамаси комплекслари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, вазирликлар ва идоралар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда, зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойданалаётган корхоналарнинг қувватларидан тўлиқ фойдаланишни ва уларнинг барқарор молиявий-хўжалик фаолиятини таъминлаш юзасидан ҳар йили дастурлар "йўл хариталари" ишлаб чиқилади ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилиши;

устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланаётган корхоналардаги акцияларнинг (улушларининг) давлат пакетлари ушбу корхоналар акциядорлари (муассислари) билан келишган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида хусусий мулкдорларга "ноль" харид қиймати бўйича, уларнинг негизида ишлаб чиқариш фаолиятини ва иш ўринларини тиклашга доир инвестиция мажбуриятлари қабул қилиш шарти билан сотилади, республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналар бундан мустасноднр.

2.6. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чикариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланаётган корхоналардаги акцияларнинг (улушларнинг) давлат пакетларини "ноль" харид қиймати бўйича сотиш тартиби тўғрисидаги низомни икки ой муддатда ишлаб чиқиб Вазирлар Маҳкамасига киритилиши;

ушбу қарорнинг 3-бандига мувофиқ ҳар йили корхоналар паспортлари шакллантирилгандан кейин саноат ва қурилиш соҳасидаги устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланаётган корхоналардаги акцияларнинг (улушлариинг) давлат пакетларини, ушбу корхоналар акциядорлари (муассислари) билан келишган ҳолда, хусусий мулкдорларга "ноль" харид қиймати бўйича сотиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин, республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятган эга бўлган корхоналар бундан мустаснодир.

2.7. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланаётган корхоналар негизида самарали ишлаб чикаришлар ташкил этиш учун замонавий менежмент тажрибасига эга бўлган потенциал инвесторларни жалб қилиш юзасидан тадбирлар комплексини амалга оширишлари кўрсатиб ўтилган.

3. Вилоят Иқтисодиёт бош бошқармаси (Тожихакимов), вилоят Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Турдиқулов), вилоят Статистика бошқармаси (Шамшиддинов) ҳамда вилоят Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси (Сулаймонов) билан биргаликда ушбу қарорда белгиланган вазифаларни ўз муддатларида ижросини таъминлаш бўйича тегишли чоралар кўриш вазифаси топширилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат килиш вилоят ҳокими ўринбосарлари С.Қўчқоров ва С.Зокировлар зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Ш.Ғаниев.**